Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

● 2012-yil, 4-oktabr. Payshanba ● 120 (31.552) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!



# ПАРТИЯНИНГ ҲАР БИР АЪЗОСИ

## ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этса, ислоҳотлар самарадорлиги янада ошади

ЎзХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ҲАМКОРЛИГИДА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ. ТАДБИР **«ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!»** ДЕГАН ЭЗГУ ҒОЯНИ ЭЛЕКТОРАТ ЎРТАСИДА КЕНГ ТАРҒИБ ЭТИШДА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФАОЛЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, тарғиботчилар ва экспертлар гуруҳлари аъзолари, бошланғич ташкилотлар етакчилари, партиянинг ёш фаоллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда.)

Мунособат

# УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАР

## ҳамиша ҳурмат ва эъзозда

**ҲАЁТ ЎЗГАРИБ, ЖАМИЯТДАГИ ИСЛОҲОТЛАР МУТТАСИЛ ЮКСАЛИБ БОРАВЕРАДИ. ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС РАВИШДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЭСА ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИГА ЯНАДА КУЧ БАҒИШЛАЙДИ, ХАЛҚИМИЗНИНГ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИ ОШИРАДИ. ШУ БОИС МАМЛАКАТИМИЗДА ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ МУТТАСИЛ РИВОЖЛАНТИРИБ БОРИЛМОҚДА.**

Бу ёш авлоднинг ҳар томонлама чуқур билим олиши, муайян соҳани онгли равишда танлаб, етук мутахассис бўлиб етишиши учун кенг имкон яратмоқда, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан баркамол, аввало, оила ва жамият олдидаги масъулиятини чуқур ҳис этадиган ёшларни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Албатта, таълим соҳасини янада такомиллаштириш мақсадида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар устоз ва мураббийларнинг заҳматли меҳнати, фидойилиги билан уйғунлашиб, ўзининг юксак ҳаётий самараларини бермоқда. Уларнинг меҳнати давлатимиз томонидан моддий ва маънавий рағбатлантириб борилаяпти. Ўқитувчи ва мураббийлар маошларининг мунтазам оширилаётгани, янги педагогик технологияларни жорий этиш қўллаб-қувватланаётгани, бизга оқ-қорани танитган муаллимларимиз давлатимизнинг юксак унвонлари, орден ва мукофотлари билан тақдирланаётгани ана шу эътибор белгисидир.

Президентимизнинг Ўқитувчи ва мураббийлар куни байрами муносабати билан соҳа вакилларига йўлланган табригида мамлакатимизда ҳар йили давлат бюджети харажатлар қисмининг 35 фоиздан зиёди таълим соҳасига йўналтирилаётгани алоҳида таъкидланди. Дарҳақиқат, кейинги ўн йилда ўқитувчи ва мураббийларнинг маоши иқтисодиётиимзнинг реал соҳасидаги иш ҳақи миқдоридан ўртача 1,5 баробар кўп ўсгани, педагог ходимлар меҳнатини баҳолаш ва рағбатлантиришнинг замонавий тизими жорий этилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Юртимизнинг ривожланган мамлакатлар сафига кириши, ҳар бир соҳа ва тизимдаги ислоҳотларнинг муваффақияти аввало, кадрлар тайёрлаш масаласи самарали ҳал этилиши билан чамбарчас боғлиқ. Шу жиҳатдан қараганда, мамлакатимизда интеллектуал салоҳиятли, иқтидорли, билимдон ва маънан етук авлодни шакллантириш борасида қилинаётган ишлар халқимизнинг эртанги куни бундан-да порлоқ бўлиши, юртимиз дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилгандир. Бу эзгу мақсадлар ЎзХДП ғоялари билан уйғун ва ҳамоҳангдир.

Бугунги тезкор давр, тобора ривожланиб бораётган ахборот тизими устоз ва мураббийларимиз зиммасига янада катта масъулият юкламоқда.

Зеро, ҳеч бир соҳада дунёдаги тенгдошларидан қолишмайдиган, Ватанимиз истиқболига садоқатли ёш авлодни тарбиялаш ўқитувчи ва мураббийларнинг шарафли меҳнат фаолиятига чамбарчас боғлиқдир.

**Гулноза ЭРНАЗАРОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

Фракция ташаббуси

# БАНДЛИК ДАСТУРИ ИЖРОСИ

## ижтимоий-иқтисодий барқарорлик кафолати

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН ЯҚИНДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИ 2012 ЙИЛДА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ БЕРДИ.**

Бугун жаҳонда тобора чуқурлашиб бораётган ва ҳали-бери охири кўринмаётган молиявий-иқтисодий инқироз оқибатида кўплаб мамлакатларда ишсизлик даражаси кескин ошиб, ижтимоий-иқтисодий муаммолар борган сари жиддий тус олмоқда. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг молиявий-иқтисодий инқироз оқибатини юмшатиш мақсадида ўтказган сессияларида (2009-2011 йиллар) берилган тавсияларга асосан, ҳозирги вақтда кўпгина давлатларда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича миллий дастурларни қабул қилиш масаласи муҳокама этилаяпти.

Бизнинг мамлакатимизда эса қатор йиллар давомида Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури парламент даражасида қабул қилиниб, муваффақият билан ижро этиб келинмоқда. Таъкидлаш жоизки, бундай тажриба бошқа ҳеч бир мамлакатда учрамайди.

Жаҳонда оғир молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда, юртимизда узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотлар, инқирозга қарши чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари таъминланиб келинаяпти. Бунинг натижасида ҳамда инвестиция, маҳаллийлаштириш ва бошқа қатор мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши, молия ва банк тизимининг барқарорлиги туфайли янги иш ўринлари кўпайишига мустаҳкам замин тайёрланмоқда. Бу нафақат аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадлари ўсишига бевосита таъсир кўрсатмоқда, балки мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий барқарорликнинг муҳим омили, мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

⇨ 2

«O‘zbekiston ovozi» saytida o‘qing



XALQIMIZ BUNYODKORLIK SALOHIYATINING NAMOYISHI

www.uzbekistonovozi.uz




Ўз-ўзини танқид

# АМАЛИЙ ИШ ВА ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР

## билангина сайловчилар ишончини оқлаш мумкин

➔ 2

Хушхабарлар

# ЎСМИРЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БОРАДИ!

**ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР (U-16) ЎРТАСИДА ЭРОНДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ ЧОРАК ФИНАЛГА ЙЎЛЛАНМА ОЛГАНИ ҲАҚИДА ХАБАР ҚИЛГАН ЭДИК.**

AFC U-16 CHAMPIONSHIP



Ҳасан ПИРМУҲАММЕДОВ олган сурат.

Агар мусобақа низомига кўра, ярим финалчиларнинг келаси йили Бирлашган Араб Амирликларида бўладиган жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритишини ҳисобга олсак, чорак финал босқичи мурosaсиз ўтиши аниқ эди. Мазкур босқичда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси қитъанинг энг кучли жамоаларидан бири — Жанубий Корея футболчиларига рўбарў келди.

Жанубий Корея терма жамоаси гуруҳ босқичида КХДР, Саудия Арабистони ҳамда япониялик тенгқурларини мағлубиятга учратиб, юз фоизлик натижа билан кейинги босқичга чиққанлиги боис, учрашув олдидан аксарият мутахассис ва мухлислар вакилларимизнинг имкониятларини паст баҳолашди. Аммо шижоатли ёшларимиз бутун ўйин давомида ҳеч кимдан кам эмасликларини яна бир бор намойиш этди.

⇨ 4

# «БУНЁДКОР» ЯРИМ ФИНАЛДА!

***Кеча Осиё чемпионлар лигаси ярим финалчилари маълум бўлди. Бундан икки ҳафта муқаддам Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси чорак финалнинг дастлабки учрашувини Австралияда «Аделаида Юнайтед» жамоаси билан ўтказиб дуранг натижага эришган эди — 2:2. Тошкентдаги «Жар» стадионида ўтказилган жавоб ўйинида ҳамюртларимиз муҳим ғалабани қўлга киритиб, Осиё чемпионлар лигасининг ярим финалига йўлланма олдилар!***

⇨ 4

Фракция ташаббуси

# БАНДЛИК ДАСТУРИ ИЖРОСИ

## ижтимоий-иқтисодий барқарорлик кафолати

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Биргина мисол. Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг амалга оширилиши натижасида 2012 йилнинг январь-июнь ойларида республикамизда **жами 510 минг 500** та янги иш ўрни вужудга келди. Бу белгиланган режага нисбатан **26 минг 800 та** кўп бўлиб, ярим миллиондан ортиқ одам ўзининг доимий иш жойи, даромад манбаига эга бўлди деганидир. Шунингдек, бу меҳнат бозорида аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини ҳимоялашга эътибор янада кучайганини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг электорати, деб ҳисоблаган ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам, яъни иқтисодиётда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган кишилар, ўқишни битириб ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаша олмаётган ёшлар, жисмоний имконияти чекланганлар, шунингдек, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар вакиллари, ёш болали аёллар ушбу дастур орқали ўз ишига эга бўлмоқда.

Яна бир масалани алоҳида таъкидлаш керакки, 2011/2012 ўқув йилида касб-ҳунар коллежларини битирган 501 минг 500 нафар ёшлар 93 мингта корхона ва ташкилотга ихтисослиги бўйича амалиёт ўташ ва ишга жойлаштириш учун бириктирилган. Заҳира қилинган иш жойларига 3200 нафар жисмоний имконияти чекланган фуқаро, 1700 нафар ёш болали ишламайдиган аёл, 1500 нафар жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган киши, 3200 нафар муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган йигитлар ишга жойлаштирилган.

Фракциямиз аъзолари сайлов округларидаги фаолияти даврида 2012 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ижроси юзасидан жойларда кенг кўламли ишлар олиб борилаётганининг гувоҳи бўлмоқда. Шу билан бирга, жойларда дастурда белгиланган кўрсаткичлар янада самарали бажарилишига тўсиқ бўлаётган муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд. Бунинг оқибатида 2012 йилнинг 1-чорагида 18 та туманда Дастурнинг айрим йўналишлари бўйича прогноз кўрсаткичлари бажарилмаган.

Жорий йилнинг биринчи ярмида эса 4 та, яъни Андижон, Чортоқ, Боғдод, Янгибозор туманларида дастур тўлиқ бажарилмаган.

**Бунинг асосий сабабларини депутатларимиз жойларга чиқиб ўрганиб келмоқда. Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда ҳокимликлар томонидан корхоналарга бино, ер ажратиш, кредитларни олиш, хомашё таъминоти, коммуникацияларга уланиш муаммоларини ўз вақтида аниқлаб, ечимини топишга етарли аҳамият берилмаяпти.**

Шунинг учун, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросини таъминлашда Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатларининг иштирокини янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хўш, бу борада депутатлик корпусининг ўрни, иштироки нималардан иборат?

Авваламбор, депутатлик назоратини янада кучайтириш талаб этилади. Бизнингча, дастур ижросини ҳар ой якуни бўйича туман, шаҳар ҳокимликлари қошидаги доимий ишчи комиссия йиғилишларида танқидий муҳокама этиб, мавжуд муаммо ҳамда камчиликларни жойида ва ўз вақтида бартараф этишни таъминлаш устидан доимий депутатлик назоратини ўрнатиш керак. Бунда, айниқса, манзилли рўйхатларга киритилган корхоналарга бино, ер ажратиш, кредитлаш, хомашё таъминоти, коммуникацияларга уланиш масалаларига алоҳида масъулият билан қараш лозим.

Шунингдек, дастур ижроси билан боғлиқ масалалар халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг сессияларида мунтазам муҳокама этиб борилиши жуда ҳам муҳим.

Бу жараёнда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг фаол иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Бизда бу йўналишда маълум тажриба ҳам тўпланган. Қатор йиллар давомида фракциямиз аъзолари ўз сайлов округларида фаолият олиб бориш жараёнида айнан Бандлик дастури ижроси бўйича маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимизга амалий ёрдам кўрсатиб келишмоқда.

Мисол учун, дастур ижроси билан боғлиқ масала партиямиз бошланғич ташкилотларининг фаол иштирокида жойларда ўрганиб чиқилди. Бу жараёнда, айниқса, партиямизнинг Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган бандлик масаласи билан боғлиқ мурожаатлар таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижасида 2011 йил ва 2012 йилнинг шу даврига қадар Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда фракциямиз аъзолари кўмагида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз депутатлик гуруҳларининг ўзида бу масала 51 марта муҳокама қилинди. Шундан сўнг депутатлик гуруҳларимиз ташаббуси билан маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссияларида 28 марта ҳамда сессияларда 28 марта кўриб чиқилди. Яъни, фракциямиз ташаббуси билан Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси муҳокамасига киритилишидан олдин, Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси билан боғлиқ масала жойларда батафсил ўрганилди, таҳлил этилди. Айтиш мумкинки, бугунги кунда мазкур дастур ижроси юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан мунтазам назорат механизми ўрнатилган.

Партиямиз депутатлик корпусининг дастур ижросини таъминлашдаги ўрни фақат назоратдангина иборат эмас, деб ҳисоблайди. Балки янги иш ўринларини яратишда барча даражадаги депутатлар амалий жиҳатдан фаол иштирок этиши керак.

Масалан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси янги иш ўринлари яратиш йўналишида иккита катта лойиҳа бўйича амалий ишларни олиб бормоқда. 2011 йил ва 2012 йилнинг шу даврига қадар партиямизнинг Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Марказий банк, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, «Микрокредитбанк» ҳамкорлигида ўтказилган иқтисодий форумлар натижасида **икки мингдан зиёд** янги иш ўринлари яратилди. Бунда партиямиз электорати ҳисобланган ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам орасидан мустақил иш юритиш қобилияти, истиқболли бизнес лойиҳасига эга кишилар микромолиявий хизматлардан фойдаланган ҳолда бошланғич сармояни шакллантириб, ўз бизнесини бошлашига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, партиямизнинг Марказий Кенгаши бошчилигида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз томонидан туман ва шаҳарлар инвестицион дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча муқобил лойиҳаларни тузиш борасида ҳам самарали ишлар олиб борилди. 2012 йилда депутатлик гуруҳларимиз таклифлари билан туман ва шаҳарларнинг ҳудудий дастурларига қўшимча 14 миллиард сўмлик 97 та муқобил лойиҳа киртилди. Бунинг натижасида қўшимча равишда **мингдан зиёд** иш ўрни яратилди.

Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилишини партиямиз муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди. Чунки, туман ва шаҳарларда иш ўринларини яратиш билан боғлиқ дастурлар — бу қотиб қолган, ўзгармас ҳужжат эмас, балки талаб ва шарт-шароитдан келиб чиқиб, ўзгартиш киритиш мумкин бўлган очиқ дастурлардир. Шунинг учун, жойлардаги вазиятни инобатга олган ҳолда ва мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, қўшимча муқобил лойиҳаларни дастурларга киритишда сиёсий партияларнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари фаол иштирок этиши муҳимдир.

Депутатларимиз томонидан жойларда олиб борилган ўрганиш ишларининг натижалари кўрсатмоқдаки, айрим туманларда таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришда баъзи муаммолар учраб турибди.

Таълим муассасалари битирувчилари билан уч томонлама шартнома тузилмоқда ва ишга қабул қилинмоқда. Лекин айрим ҳолларда уч ой ўтиб синов муддати тугагандан кейин, шартнома бекор қилиниб, ишдан бўшатиб юборилмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси битирувчилар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида Меҳнат кодексининг 84-моддаси ва 100-моддасига тегишли ўзгартишлар киритиш керак, деб ҳисоблайди.

Меҳнат кодексининг 84-моддасида ижтимоий муҳофазага муҳтож айрим тоифадаги ишчилар билан меҳнат шартномаси тузилганда, дастлабки синов белгиланмаслиги кўрсатилган. Мазкур моддага **таълим муассасалари битирувчиларининг биринчи иш жойи бўйича меҳнат шартномаси тузилганда дастлабки синов белгиланмаслиги ҳақида** меъёр киритилса, ўсиб-униб, бугун ҳаётга енгилмас куч бўлиб кириб келаётган ёшларнинг манфаати таъминланади, инсофсиз иш берувчилардан ҳимояланади.

Шунингдек, Меҳнат кодексининг 100-моддасига ҳам **таълим муассасалари битирувчиларининг биринчи иш жойи бўйича тузилган меҳнат шартномасини бир йил муддат ичида иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга тўсқинлик қилувчи меъёрни киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.**

Эътироф этиш керакки, Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Парламент томонидан кўриб чиқилаётганда, фракциямиз аъзолари билдирган таклифлар унда ўз ифодасини топаяпти. Аммо таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи ўта долзарб бўлиб турган бугунги кунда 2012 йил учун қабул қилинган янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг фақат 3- бўлимида бу масала ўзининг қисқагина ифодасини топган.

Ваҳоланки, ҳар йили таълим муассасаларининг беш юз мингдан ортиқ битирувчисини ишга жойлаштиришга тўғри келади. Яратилаётган иш ўринларининг ярмидан кўпи ҳам айнан битирувчилар учун мўлжалланган. Шундай экан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси келгусида қабул қилинадиган Бандлик дастурларида таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи бўйича алоҳида бўлим киритилиши керак, деб ҳисоблайди. Унда битирувчиларни корхоналарга бириктириш ишларини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, тармоқлар ва барча даражадаги ҳокимликлар билан биргаликда амалга ошириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилиши зарур. Шунингдек, битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича ҳар бир шаҳар ва туман кесимида аниқ чора-тадбирлар комплекси белгиланиши керак.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси юзасидан Қонунчилик палатаси томонидан парламент назоратини мунтазам ва тизимли равишда ўрнатиш жуда муҳим деб ҳисоблайди. Чунки дастур ижроси нафақат янги иш ўринлари ташкил этиш, оилалар даромад манбаини яратиш, фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади, балки бу мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий барқарорлигининг ҳам кафолатидир.

**Улуғбек ВАФОЕВ,**
**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари.**

***Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси билан боғлиқ масала жойларда батафсил ўрганилди, таҳлил этилди. Айтиш мумкинки, бугунги кунда мазкур дастур ижроси юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан мунтазам назорат механизми ўрнатилган.***

---

Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!



# ПАРТИЯНИНГ ҲАР БИР АЪЗОСИ

## ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этса, ислоҳотлар самарадорлиги янада ошади

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Давра суҳбатида таъкидландики, мамлакатимизда шахс ва унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати ҳамда бошқа инсоний ҳуқуқларини муҳофаза қилиш кафолатларини кучайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган бу ислоҳотлар партиямиз электоратининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни тақозо этмоқда.

Шу боис ижтимоий-сиёсий ҳаётда юз бераётган ўзгариш ва янгиланишлар, қабул қилинган қонун ва қарорлар мазмун-моҳиятини аҳолига чуқур таҳлиллар асосида етказиш бугун ҳар қачонгидан зарурроқдир. Давра суҳбатида ана шу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ҳар бир фуқаро ўзини Ватан тақдирига дахлдорлигини ҳис этиши учун бандлик масаласини ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

— Жорий йилнинг биринчи ярмида янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида республика бўйича ярим миллиондан ортиқ янги иш ўрни очилди, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Абдуғаффор Қирғизбоев.** — Аммо тан олиш керакки, турмуш фаровонлигини юксалтириш билан боғлиқ бу муҳим масалада фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам йўқ эмас. Шу боис янги иш ўринлари очиш ва уларнинг барқарорлигига эришиш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш зарур. Буни ҳаётнинг ўзи олдимизга долзарб масала сифатида қўймоқда. Чунки, ҳар бир иш ўрни бир киши, бир оиланинг тақдири билан боғлиқ. Доимий иши, барқарор даромад манбаи, рўзғорини тўкин-сочин қилишнинг асосига эга бўлган одамда эртанги кунга ишонч ҳам мустаҳкам бўлади. Шундай киши ўз тақдирини Ватан тақдири билан чамбарчас боғлайди, юртни янада обод этиш учун бунёдкор ғоялар билан яшайди.

Демак, биз янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича партиямиз дастурида белгиланган вазифалар ижроси назоратини кучайтиришимиз лозим.

— Йигирма бир йиллик мустақил тараққиёт йўлимизга назар ташласак, давлатимиз ҳаётида катта ўзгаришлар бўлди, сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошди, — деди **фалсафа фанлари доктори, профессор, ЎзХДП Марказий Кенгаши экспертлар гуруҳи аъзоси Нормурод Маматов.** — Хусусан, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, ижтимоий-иқтисодий ташаббусларини рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг ҳар бирида ўз ҳаётига масъуллик, Ватан тақдирига дахлдорлик, жамият равнақи ва келажаги учун жавобгарлик ҳисси кучайишига хизмат қилади. ЎзХДП сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги тадбирларда мана шу жиҳатга кўпроқ урғу бериш зарур, деб ўйлайман.

— Бошланғич партия ташкилоти аҳолига энг яқин бўғин ҳисоблангани боис, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини оширишга қаратилган тадбирларда уларнинг фаол иштирокини таъминлашга жиддий эътибор қаратаяпмиз, — деди **ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Учқун Шоймкулов.** — Партия Марказий Кенгаши ҳамда шаҳар кенгашида муҳокама қилинган масалалар қуйи бўғинларда ҳам кўриб чиқилмоқда. Бироқ, тан олиш керак, айрим бошланғич ташкилотларда сиёсий ўқув машғулотлари ҳамон юзаки ташкил этилмоқда. Муҳим ижтимоий-сиёсий мавзулар чуқур таҳлил этилмайди, муҳокамаларда таъсирчан усуллардан фойдаланилмайди. Бу каби камчиликларни бартараф этиш мақсадида бошланғич ташкилотларда сиёсий ўқувларни кўпроқ ташкил этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тегишли режа ишлаб чиқдик. Унга мувофиқ, партия ташкилотларида давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Тадбирларни интерфаол усулларда ташкил этиш, умумэътироф этилган сиёсий технологиялардан фойдаланиш яхши самара бераяпти.

Давра суҳбатида мавзуга доир бошқа фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилди. Электорат вакилларини демократик ислоҳотлар мазмун-моҳиятидан кенг хабардор қилишда партия ташкилотлари ва депутатлар фаоллигини оширишга қаратилган таклифлар ўртага ташланди. Шу асосда келгуси вазифалар белгилаб олинди.

**Лазиза ШЕРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

---

Ўз-ўзини танқид

# АМАЛИЙ ИШ ВА ҲАЁТИЙ ТАШАББУСЛАР

## билангина сайловчилар ишончини оқлаш мумкин

МАЪЛУМКИ, ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ЖОЙЛАРДА МУАММОЛАРНИ ИЗЧИЛ ЎРГАНИШ, УЛАРНИ ЕЧИШ БЎЙИЧА МУҚОБИЛ ТАКЛИФЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДАГИ ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИНИНГ ФАОЛЛИГИ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Биргина ЎзХДПдан Тошкент вилоятининг маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатлар электорат манфаати билан боғлиқ қатор масалаларни чуқур таҳлил этиб, уларни сессиялар кун тартибига олиб кирмоқда. Афсуски айрим туманларда депутатлик гуруҳлари ўз вазифасига юзаки қараяпти. Хусусан, Бўстонлиқ туман Кенгашидаги 12 нафар депутатдан иборат партиямиз депутатлик гуруҳининг фаолияти фикримиз тасдиғидир.

Ўтган йили туман Кенгашининг сессияларида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир қатор долзарб масалалар муҳокама қилинган. Аммо уларда депутатларимиз ташаббускорлиги сезилмаган. Доимий комиссиялар фаолиятида ҳам уларнинг иштироки сустлигича қолаётир.

Яқинда бўлиб ўтган ЎзХДП туман кенгаши ижроия қўмитасининг йиғилишида бу каби камчиликларни бартараф этиш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда депутатлар иштирокини кучайтириш масалалари муҳокама этилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Чунки кам маблағ сарфлаб, хизмат кўрсатиш ва сервисни йўлга қўйиш, шу орқали янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг бандлик даражасини ошириш мумкин. Туманда бу борада ечимини кутаётган айрим муаммолар мавжуд.

Аҳолига хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этишга доир Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ижросини тўлиқ таъминлаш сервис соҳасини ривожлантиришда долзарб аҳамият касб этади. Аммо шу кунгача депутатлар бу масалага етарли эътибор қаратмаган. Ваҳоланки, туманда 11 та маиший хизмат тури бўйича сервис хизматини кенг йўлга қўйиш бўйича имконият бор.

Бундан ташқари, туманда маиший хизматга бўлган талабни ўрганиш ва таҳлил этиш, шу асосда изчил ташаббусларни илгари суриш зарур. Афсуски, депутатлар бу борада ҳам қатъийлик кўрсатмаяпти.

Бундан келиб чиқадики, депутатлик гуруҳи аввало бу каби ҳаётий масалалар аҳамиятини чуқур тушуниши, тегишли ташкилотларга электорат манфаатини ифода этувчи депутатлик сўровлари билан чиқиб, изчил фаолият олиб бориши зарур.

Туманда қарийб 2 минг нафар ЎзХДП аъзосини бирлаштирган 57 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Агар депутатлик гуруҳи улар билан ҳамкорликда ишласа, электорат вакиллари билан яқиндан мулоқот қилса, табиийки, уларни ўйлантираётган муаммоларга ечим топишга эришади. Электорат манфаатларига дахлдор муаммоларни маҳаллий мутасаддилар олдига қўйиб, уларни ҳал этишнинг мақбул йўлларини таклиф эта олади. Бунинг учун улар етарлича ҳуқуқ ва ваколатга эга. Бироқ ҳамма гап ана шу имкониятлардан қай даражада фойдаланишга боғлиқ. Бугун фақат амалий иш ва ҳаётий ташаббуслар билан сайловчилар эътиборини қозониш мумкин.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Долзарб мавзу

# ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК

## пойтахтимизда қандай кечмоқда?

**БУГУНГИ КУНДА ЮРТИМИЗНИНГ БАРЧА ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2012 ЙИЛ 20 ИЮНДАГИ «РЕСПУБЛИКА ИҚТИСОДИЁТИ ТАРМОҚЛАРИНИ 2012-2013 ЙИЛЛАР КУЗ-ҚИШ ДАВРИДА БАРҚАРОР ИШЛАШГА ТАЙЁРЛАШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

Аҳолиси сони жиҳатидан республикамизда энг йирик ҳисобланган Тошкент шаҳрида мактаблар, мактабгача таълим ҳамда тиббиёт муассасалари, корхона ва ташкилотлар, турар-жой биноларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш борасида қандай ишлар қилинаётганини ўрганишга ҳаракат қилдик.

Шаҳар ҳокимлигидан олинган маълумотларга кўра, 2012-2013 йилги куз-қиш мавсумида иқтисодиёт тармоқларининг узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш бўйича тегишли тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ушбу тадбирлар дастури коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқа тегишли хизматлар раҳбарлари ҳамда мутахассислари зиммасига куз-қиш мавсумида тизимлар ишини талаб даражасида йўлга қўйиш, истеъмолчиларга узлуксиз ва сифатли хизмат кўрсатиш бўйича катта масъулият юклайди. Айни пайтда, мактаблар, мактабгача таълим ҳамда тиббиёт муассасаларини, корхона ва ташкилотларни, уй-жойларни қиш мавсумига тайёрлашни, қозонхоналар, иссиқлик трассалари, мухандислик-коммуникация тармоқларини таъмирлаш, зарур ёқилғи захирасини яратиш, электр ҳамда газ таъминоти қурилмаларини текшириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ишлари амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси мавсумда истеъмолчиларни электр энергияси, иссиқ сув ва иссиқлик билан таъминлашдаги узилишларнинг олдини олиш имконини беради.



Ушбу мавсумга, айниқса, ижтимоий соҳа объектлари жумладан, 9 та мактаб ҳамда 21 та мактабгача таълим муассасасини капитал таъмирлаш, 5 та мактабни реконструкция қилиш, 287 та мактаб, 426 та мактабгача таълим муассасаси, 5 та Меҳрибонлик уйи ва 10 та мактаб-интернатни жорий таъмирлаш кўзда тутилган. Шунингдек, ижтимоий соҳага оид муассасаларда 30,3 минг квадрат метр ҳажмдаги том қисмларни таъмирлаш, 14,9 минг квадрат метрлик дераза ойналарини ўрнатиш, 30 та муассасада иситиш, 33 тасида санитария тармоқлари, 32 тасида электр таъминоти тизимини таъмирлаш ҳамда 540 погон метр иссиқлик қувурларини изоляциялаш ва 37 та иссиқлик қозонхонасини мавсумга тайёрлаш ҳам мўлжалланган. Шу билан бирга, 959 та муассасада иссиқлик тизимларини босим остида ювиш, 821 та иссиқлик узелларини профилактик таъмирлаш ва 821 та торайтирувчи мосламаларни ўрнатиш, янгилаш каби юмушлар ҳам режалаштирилган.

Бугунги кунда режадаги мактаб, мактабгача таълим муассасалари, Меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлари тўлиқ капитал ва жорий таъмирдан чиқарилди. Соғлиқни сақлаш тизими бўйича 2 та муассасани капитал ва 12 та муассасани жорий таъмирлаш, 1,25 минг квадрат метр ойналарни ўрнатиш, 7,8 минг квадрат метр томларни таъмирлаш, 4 та муассасада иссиқлик тизимини таъмирлаш ва 2 та иссиқлик қозонларини жорий таъмирлаш ишлари изчил давом этмоқда.

9 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей биноларини капитал таъмирлаш, 3 тасида иситиш, 5 тасида сантехника тизимини таъмирлаш ҳамда жами 14,8 минг квадрат метр ҳажмда том қисмларини таъмирлаш, 1,25 минг квадрат метр ойна ўрнатиш, 1,4 минг погон метр иссиқлик тармоқларининг изоляциясини тиклаш, 1 та иссиқлик қозонхонасини таъмирлаш ишларининг амалга оширилиши режага киритилган. Ҳозиргача, ушбу муассасаларда биноларнинг ички муҳандислик коммуникацияларини жорий таъмирлаш ишлари ўз ниҳоясига етказилган. Шунингдек, олий таълим тизимидаги 172 та муассасадаги иссиқлик тизимларини босим остида ювиш, 208 та иссиқлик узелларини профилактик кўрикдан ўтказиш ҳамда уларга 208 та торайтирувчи мослама ўрнатиш ишлари ҳам ҳадемай якунланади.

Кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи фуқароларнинг яшаш шароитлари кўп жиҳатдан қишнинг совуқ кунларига нечоғли пухта тайёргарлик кўрилишига боғлиқ. **Тошкент шаҳар хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси бошқаруви раиси Алишер Набиев** бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

— Бугун пойтахтимизнинг 11 та туманида жами 9155 та кўп қаватли уй бўлиб, уларга 2327 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ва 192 та Бошқарув сервис компаниялари хизмат кўрсатиб келмоқда. Жорий йилда кўп қаватли уйларда юзага келиши мумкин бўлган авария ҳолатларини тезкор бартараф қилиш, уй-жойлардан фойдаланиш хизматлари сифатини яхшилаш, ширкатларнинг шартнома асосида таъмирлаш хизматларини ўз вақтида кўрсатиш мақсадида барча туманларда Чилонзор туманида фаолият юритиб келаётган намунавий авария-диспетчерлик хизмати шаклидаги хизматларни ташкил қилиш белгиланган. Шунингдек, Тошкент шаҳар Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг уюшмаси қошида 3 та ихтисослаштирилган Бошқарув сервис компаниялари тузилиб, улар учун Сергели туманида ишлаб чиқариш базаси ажратилган ва 3 та «Damas» автомашинаси билан таъминланган. Бугунги кунда, 300 та кўп қаватли уйнинг муҳандислик тармоқларини мукаммал таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, айни пайтда 296 тасида таъмирлаш ишлари якунига етди.

Мавсумга тайёргарлик доирасида кўп қаватли уйлар учун хизмат қилувчи 9714 та иссиқлик тизимлари профилактик кўрикдан ўтказилиб, 8667 та иссиқлик тармоқлари босим остида ювилди, 9655 та иссиқлик тизимларига торайтирувчи мосламалар ўрнатилди. Шунингдек, кўп қаватли уйларнинг 1508,1 минг квадрат метр том қисми жорий ва мукаммал таъмирдан чиқарилди...

А.Набиевнинг айтишича, бу йилги қишга тайёргарлик режаси ўтган йилдаги камчилик ва муаммолардан келиб чиқиб тузилган. Яна шуни айтиш жоизки, тайёргарлик ишларининг муваффақияти нафақат маҳаллий давлат бошқаруви идоралари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг тажрибасига, айни вақтда уй эгаларининг ташаббускорлиги, фаоллиги, ўз уйларини обод, тоза ва иссиқ қилиш истагидаги саъй-ҳаракатларига ҳам боғлиқ. Шу боис уюшма ходимлари томонидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, куз-қиш мавсумида иссиқ сув ва газни исроф қилмай, улардан самарали фойдаланиш аҳолининг бу моддий неъматлар қадрини қанчалик англашига боғлиқ.

— Айни пайтда маҳалламиз ҳудудида 33 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, уларда 5 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди **Чилонзор тумани, Кўтарма маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ЎзХДП аъзоси Раҳимжон Солиев.** — Ҳозирги вақтгача маҳалламиздаги кўп қаватли уйларнинг барчаси иссиқ сув ва совуқ сув тармоқлари профилактик кўрикдан ўтказилди.

Бундан ташқари, ўтган йилги қиш мавсумида бироз таъмирталаб бўлган 27 та кўп қаватли уйнинг томлари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, аҳолидан тушаётган мурожаатларга қараб ҳам таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Мақсадимиз қорли-қировли қиш кунларида ҳеч қандай муаммоларсиз аҳолига сифатли хизмат кўрсатишдир.

— Ўтган йилги қиш мавсуми узоқроқ давом этиб, ёғингарчиликлар кўп бўлганиданми, уйимиз тепасидан бироз чакки ўтганди, — дейди **Чилонзор туманининг 10-мавзе, 7-уй, 70-хонадонида истиқомат қилувчи, пенсионер Татьяна Пульянова.** — Кўп қаватли уйнинг 4-қаватида яшаганимиз боис, хонадонимизнинг томи таъмирланмаса, биринчи бўлиб биз азият чекамиз. Яқинда бизнинг уйимиз томи ҳам тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Қолаверса, иссиқ ва совуқ сув, иссиқлик тармоқлари ҳам кўрикдан ўтказилди. Хуллас, ушбу кўп қаватли уйда истиқомат қилувчилар бу бажарилган ишлардан мамнунмиз. Фурсатдан фойдаланиб, бу юмушларни амалга оширганларга миннатдорлик билдирмоқчиман.

Бир сўз билан айтганда, мавсумга тайёргарлик давомида мавжуд камчиликларни бартараф этиш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада оширишга алоҳида аҳамият қаратиб келинмоқда. Бундай чора-тадбирлар уй-жойлар, умумтаълим ва тиббиёт муассасалари, корхона ва ташкилотларни электр энергияси, газ, иссиқ сув ҳамда иссиқлик билан узлуксиз таъминлаш, куз-қиш мавсумини муаммоларсиз ўтказиш имконини бериши шубҳасиз.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Ҳуқуқий маданият

# ХОДИМ ИШГА ТИКЛАНДИ, БОШЛИҚ ЖАРИМА ТЎЛАДИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ХОДИМЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ, ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ДОИР БИР ҚАТОР КАФОЛАТЛАР БЕЛГИЛАНГАН.**

Маълумки, ходим меҳнат шартномасининг «заиф» томони ҳисобланади. Чунки у меҳнат муносабатлари бўйича иш берувчига бўйсунади, моддий эҳтиёжлари эса иш берувчи томонидан тўланадиган иш ҳақига боғлиқ бўлади. Шу боис ходимга етказилган зарарни қоплаш билан бирга, унинг ғайриқонуний ишдан бўшатилишининг олдини олиш, бундай ҳол юз берганда ишга қайта тиклаш жамиятда ижтимоий мувозанатни таъминлашга хизмат қилади.

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, адлия органларининг асосий вазифаларидан бири фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш ҳисобланади.

Андижон вилоят адлия бошқармасига фуқаролардан тушаётган ариза-шикоятлар орасида ноқонуний ишдан бўшатилиши юзасидан бўлаётган мурожаатлар оз эмас.

Фуқаро Ҳафиза Ҳожиматова Шаҳрихон туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари буйруғи асосида туман 1-сон туғуруқ комплекси врач акушер-гинекологи вазифасидан шу тумандаги 2-сон поликлиникага акушер-гинеколог вазифасига ўтказилган. Шифокор бу ҳолатдан норози бўлиб, тиббиёт бирлашмаси мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларига нисбатан чора кўришни сўраган.

Ўрганиш жараёнида Шаҳрихон туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг буйруғи билан врач Ҳ.Ҳожиматовани бошқа доимий вазифага ўтказишда Меҳнат кодексининг 92-моддаси талаблари қўпол тарзда бузилганлиги аниқланди. Жумладан, ундан розилик аризаси олинмаган, буйруқ билан таништирилмаган ва касаба уюшма қўмитасининг розилиги сўралмаган. Адлия бошқармаси томонидан вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига айбдор мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериш юзасидан таклиф киритилди. Таклиф асосида туман тиббиёт бирлашмасининг 2012 йил 18 августдаги буйруғи билан ғайриқонуний тарзда чиқарилган буйруқ бекор қилиниб, Ҳ.Ҳожиматова аввалги вазифасига қайтарилди. Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Х.Розиқов Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддаси 1-қисмига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари, яъни 125840 сўм миқдорида маъмурий жаримага тортилди.

Фуқаро Азизбек Маматов эса ўз мурожаатида Андижон кичик ва ўрта бизнес касб-ҳунар коллежида ўқитувчи вазифасида ишлаб келаётгани, коллеж директори у билан тузилган меҳнат шартномасини ноқонуний тарзда бекор қилгани, меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда у меҳнат таътилида бўлгани, олдиндан огоҳлантирилмасдан ишдан бўшатилганини баён этган.

Ўрганиш жараёнида А.Маматов билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишда Меҳнат кодексининг 100, 102, 107-моддалари талаблари бузилганлиги аниқланди. Яъни ходим меҳнат таътилида бўлган даврида меҳнат шартномаси бекор қилинган, ходим меҳнатга оид муносабатларнинг бекор қилиниши тўғрисида олдиндан хабардор қилинмаган, буйруқда меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари далил қилиб кўрсатилмаган. Шунингдек, меҳнат шартномаси бекор қилинишидан олдин коллежнинг касаба уюшма қўмитасининг розилиги олинмаган. Адлия бошқармаси томонидан коллеж директори номига киритилган тақдимномага асосан ғайриқонуний тарзда қабул қилинган буйруқ бекор қилиниб, фуқаро А.Маматов аввалги ишига қайта тикланди.

Ҳуқуқий маданият ҳар бир фуқародан, у оддий ходим бўладими, мансабдор шахс бўладими, қонунга ҳурматни, ўз хатти-ҳаракатини қонун чегарасида амалга оширишни тақозо қилади. Айниқса, раҳбар ходимнинг қонундан четга чиқиши, масъулиятсизлиги кўпларга ортиқча ташвиш келтириши, одамларда ижтимоий норозиликни кучайтириши мумкин. Шу боис ҳар бир мутахассис, мансабдор шахс ўз хатти-ҳаракатини қонун асосида амалга ошириши унинг жамият олдидаги бурчи ҳисобланади.

**Озодбек ҒАФУРОВ,**
**Андижон вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи.**

Хориж

## КАРТОЧКА ЎРНИГА КАФТ

***Японияда қўл кафтини «танигач» ишга тушувчи банкоматлар жорий қилинди.***



Бундай банкоматлардан фойдаланувчилар энди банк пластик карточкаларисиз ҳам ўз ҳисобидан пул ечиб олиш, ҳисобидаги маблағни текшириш имкониятига эга бўлади. Бунинг учун мижоз кафтини қурилмага босади ва туғилган санаси, пин-кодини теради, холос.

Дарвоқе, мижоз ўз биометрик маълумотларини ҳисоб-рақами очилган банкка тақдим этиши лозим.

## ХОҲЛАГАН ПАЙТДА

### никоҳдан ўтиш мумкин

***Буюк Британияда 176 йилдан бери амалда қўлланиб келинган тақиқлов бекор қилинди. 1 октябрдан эътиборан куннинг ёки туннинг хоҳлаган вақтида йигит ва қиз никоҳдан ўтишига расмий рухсат берилди.***

«The Sunday Times» газетаси хабарига қараганда, 1836 йилда сирли ва яширин тўйларга қарши кураш мақсадида кечки соат 18 дан эрталабки 8 гача никоҳ тадбирини ўтказиш тақиқланган эди.



Энди фақат черков ва бошқа диний ташкилотларда никоҳдан ўтказиш тадбирлари эски тартиб бўйича қолди — эрталаб соат 8 дан кеч соат 18 га қадар.

## ШИФОКОРЛАР ИШ ТАШЛАДИ

***Мисрнинг 540 та давлат шифохонаси (мамлакат касалхоналарининг 40 фоизи) шифокорлари норозилик билдириб, иш ташлаш акциясини давом эттирмоқда. Улар маошлар оширилиши, меҳнат шароитлари яхшиланиши ҳамда госпиталларни қўриқлаш кучайтирилишини талаб қилмоқда.***



Маълумки, мамлакатда вазият беқарорлиги натижасида госпиталлар хавфсизлигини сақлаш қийин кечмоқда, дейилади «AFP» АА хабарида.

Иш ташлаш қанча вақт давом этиши номаълум. Ўтган ҳафта Миср шифокорлари уюшмаси вакиллари билан ҳукумат ўртасида ўтказилган музокаралар бесамар якунланди.

Эстонияда ҳам тиббиёт ходимларининг иш ташлаши давом этмоқда. Улар шифокорларнинг маошлари 20 фоизга, ҳамширалар ва бошқа кичик тиббиёт ходимлари маошлари эса 40 фоизга оширилишини талаб қилмоқда.

Ҳукумат келгуси йилдан тиббиёт ходимлари маошлари 6,6 фоиз оширилишини маълум қилди. Аммо бу ваъда акция иштирокчиларини қониқтирмади.

Реклама

**Тошкент вилояти ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармаси «Ўзбекистон овози» газетасининг 2012 йил 30 август сонида берилган ретендер муддати 19 октябрь соат 15.00 гача узайтирилганлигини маълум қилади.**

**Маълумот учун телефон:**
**250-29-81, 250-29-93.**

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2012 йил 25 октябрь куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларини ўтказади**

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 19-уйда жойлашган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Республика инкассация хизмати» ДУК балансидаги 1996 й. и/ч, д/р 01/603МВА, бошланғич нархи 7 561 400 сўм бўлган «Нексия», 1999 й. и/ч, д/р 01/273МВА, бошланғич нархи 4 820 400 сўм бўлган «ТИКО», 2000 й. и/ч, д/р 01/769 FAA, бошланғич нархи 4 550 700 сўм бўлган «ТИКО», 2005 й. и/ч, д/р 01/718ЕАА, бошланғич нархи 15 122 400 сўм бўлган «Нексия», 2005 й. и/ч, д/р 01/749ЕАА, бошланғич нархи 15 220 800 сўм бўлган «Нексия», 2000 й. и/ч, д/р 01/784FAA, бошланғич нархи 8 277 600 сўм бўлган «Дамас», 1994 й. и/ч, д/р 01/593 ZBA, бошланғич нархи 7 621 900 сўм бўлган «Опель Вектра», 1994 й. и/ч, д/р 01/592 ZBA, бошланғич нархи 8 190 600 сўм бўлган «Опель Вектра», 2000 й. и/ч, д/р 01/271 МВА, бошланғич нархи 6 149 600 сўм бўлган «ГАЗ 31100», 2000 й. и/ч, д/р 01/347 GAA, бошланғич нархи 10 160 400 сўм бўлган «ГАЗ 3110» русумли автотранспорт воситалари қайта аукцион савдоларига қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридаги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 9049 2931 8002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Тўловлар нақд пул шаклида ёки ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар навбатдаги ҳафталарнинг **пайшанба** кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилади. Ушбу мол-мулкларга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А»уй. Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Гувохнома № 005357

Қадр

# ЭЪЗОЗ ТОПГАН УСТОЗ

**ОДДИЙ ҚИШЛОҚ ОИЛАСИНИНГ ТЎНҒИЧ ФАРЗАНДИ БЎЛГАН ШАРИФА ФАРҒОНА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИГА ЎҚИШГА КИРДИ. АЪЛО БАҲОЛАРГА ЎҚИДИ ВА 1981 ЙИЛДА ОЛИЙ МАЪЛУМОТ ҲАҚИДАГИ ДИПЛОМ БИЛАН ЎЗИ ЎҚИГАН ҚУВА ТУМАНИДАГИ 11-МАКТАБГА КЕЛДИ.**

**БУГУН ЭСА У ТАЖРИБАЛИ, ФИДОЙИ, «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАНГАН ЎҚИТУВЧИ СИФАТИДА ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИГА САЗОВОР БЎЛИБ ТУРИБДИ.**

— Менга ўзимизнинг мактабга йўлланма беришди, — деди устозлари қуршовида юзлари лов-лов ёнганча.

Гулчеҳра Бегиева, Маҳбуба Жалолова каби тажрибали ўқитувчилар уни қанотлари остига олишди, касб сир-асрорларини ўргатишди.

— Энг муҳими ўқувчилар ишончини қозониш ва улар дилидан жой ола билиш. Ана шунда дарс бериш сенга, мустаҳкам билим олиш уларга осон кечади, — дерди устози Маҳбуба опа.

Шунга ҳам ўттиз йилдан ошибди. Бугун Шарифахоннинг ўзи ўнлаб ёш ўқитувчиларга устоз.

— Шарифа опанинг очиқ дарсларига мароқ билан қатнашаман, — дейди Кенжахон Тиллабоева. — Устозим ҳар бир тарихий воқеа, сана ҳақида гапириш учун кўплаб манбаалардан маълумот йиғиб, мавзуни ҳаётий мисоллар орқали тушунтиради. Айниқса, овозни ифодали бошқариш, муҳим фактларга урғу бериш каби усулларда шунақанги қизиқарли ҳикоя қиладики, ўқувчилар беихтиёр замонлар оша ўша воқелик ичига кириб кетади. Ўзлаштиришдаги юқори кўрсаткичлар асоси шунда деб биламан.

Қувадагина эмас, вилоятда ҳам «тарих фани ўқитувчиси Шарифа Ғофурованинг ўз услуби бор», дея эътироф этишади.

— Ўқитувчининг юрагида икки томир бирдек уриши керак, — дейди мактаб директори Маматвали Турсунов. — Уларнинг бири касбга садоқат, иккинчиси шогирдларига меҳр-муҳаббат. Шарифахонда ҳар икки фазилат ҳам бор. Шунинг учун у тарбиялаган ўқувчилар туман, вилоят, республика фан олимпиадаларида фаол иштирок этади.

Дарвоқе, Мирзажон ака ва Қанохон аянинг қолган фарзандлари ҳам Шарифа опасининг изидан бориб, ўқитувчилик касбини танлашди.

Шарифахоннинг ўғли Комилжон эса ўзи ўқиган қадрдон 11-мактабда география фанидан сабоқ бера бошлади. Келини Дилдорахон инглиз тили ўқитувчиси. Қизи Одинахон мактабгача таълим муассасасида ишлайди. Шундай, ўқитувчилар сулоласи давом этмоқда.

Мустақиллик байрамининг 21 йиллиги арафасида Қувадаги 11-мактаб жамоаси ва Мирзажон Ғофуров оиласи ҳаётида унутилмас воқеа рўй берди. Самарали меҳнати ва эришаётган ютуқлари, шахсий ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун Шарифахон Ғофурова Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра «Жасорат» медали билан тақдирланди.



— Оддий қишлоқ ўқитувчисининг камтарона меҳнатига шундай юксак баҳо берилиши юртимизда таълим-тарбия соҳасига, ўқитувчилик касбига эътиборнинг ёрқин бир намойишидир, — дейди Шарифахон. — Бу мукофот мени янада масъулият билан ишлашга ундайди. Тарих фани кишига ўзлигини англашга, ҳаёт синовларидан сабоқ чиқариб яшашга ўргатади. Мен шогирдларим онгига, қалбига биз қандай улуғ зотларнинг авлоди эканимиз, Мустақилликнинг аҳамияти ва халқимизга берган беқиёс имкониятлари ҳақидаги тушунчаларни сингдиришга интиламан.

Мамлакатимиз раҳбарининг биз ўқитувчи ва мураббийларга йўллаган табригида билдирилган фикрларни ўқиб, зиммамизда қандай юксак вазифалар турганини яна бир бор чуқур ҳис этдим. Юртбошимизнинг сўзлари барча ўқитувчилар қатори мени ёш авлодга бундан кейин ҳам масъулият билан таълим-тарбия беришга ундаб туради.

Сидқидилдан ҳалол меҳнат қилган кишини эл-юрт қадрлайди, эъзозлайди. Қувалик Шарифахон Ғофурова ҳам ана шундай ҳурмат-иззатга сазовор бўлган ҳамюртларимиздан биридир.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДАГИ

## *хайрли ишлар*

***Мустақиллик йилларида вилоятларимизнинг чекка ҳудудларида ҳам замонавий тиббиёт масканларини барпо этиш ва уларни тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда.***

Жарқўрғон тумани марказида тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги юқумли касалликлар бўлими биносининг фойдаланишга топширилиши ҳам ана шундай хайрли ишлардан бири бўлди. Уч қаватли шифо масканининг бунёд этилишига 1,6 миллиард сўм маблағ сарфланди.

— Ўтган асрнинг 60-йилларида бунёд этилган эски бино бугунги кун талабига жавоб беролмай қолганди, — дейди шифокор Абдуқаюм Имомқулов. — 40 ўринга мўлжалланган ушбу бино қурилгани айни муддао бўлди.

— Истиқлол шарофати билан соҳа тубдан ислоҳ қилинмоқда, — суҳбатимизга қўшилди тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Ўрол Мўминов. — Бугунги кунда тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ишлари босқичма-босқич давом этмоқда. Бундай эзгу ишлар учун 2012 йилги ҳудудий инвестиция дастурида ҳукуматимиз томонидан 2 миллиард 700 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш режалаштирилган.

Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик замирида бебаҳо неъмат бўлган аҳоли саломатлигини асраш, соғлом авлодни вояга етказишдек буюк мақсадлар ётибди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ЎСМИРЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БОРАДИ

Учрашувнинг 65-дақиқасида Акобир Тўраев ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Шундан сўнг ҳам ўсмирларимизда гол уриш мумкин бўлган кўплаб вазиятлар юзага келди. Аммо улардан фойдаланишда футболчиларимизга аниқлик етишмади. Учрашув асосий вақти ниҳоясига етди. Ҳакам томонидан қўшиб берилган тўртинчи дақиқа бошланди. Ғалаба шундоқ қўлимизда эди.

Баҳс тугашига бир дақиқа қолганида Хванг ўртадаги фарқни йўққа чиқарди — 1:1. Натижада мусобақа низомига кўра, ярим финалчи номига пенальтилар сериясида ойдинлик киритилди. Унда омад Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасига кулиб боқди — 5:3.

Шундай қилиб, ўсмирларимиз футболимиз тарихида иккинчи маротаба жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритди. Бунгача 2010 йилда Алексей Евстафеев бош мураббийлигида Ўзбекистон терма жамоаси ана шундай муваффақиятга эришган ва Мексикада ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида муносиб қатнашганди.

— Биз чорак финалга катта қийинчилик ва омад билан чиқдик, — деди учрашувдан сўнг терма жамоа бош мураббийи Дилшод Нуралиев. — Энг асосийси, жаҳон чемпионатига чиққанимиздан хурсандмиз. Биз шу билан чекланиб қолмасдан, Осиё чемпионатида ҳам ғолибликни қўлга киритиш учун бор куч ва имкониятимизни ишга соламиз.

Кеча мусобақанинг ярим финал баҳслари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси эронликларга қарши майдонга тушган бўлса, иккинчи жуфтликда Ироқ — Япония футболчилари ўзаро куч синашди.

Мухлисларимизга яхши маълумки, Ўзбекистон ва Эрон мамлакатлари терма жамоалари ўртасида бунгача кечган баҳсларнинг аксариятида омад рақибларимизга кулиб боққан. Шу боис, барибир ярим финал учрашув олдидан кўпчиликнинг кўнглида бироз хавотир бор эди. Аммо учрашув бошлангач, ўсмирларимиз ўзларининг ишончли хатти-ҳаракатлари билан барчасига барҳам беришди. Тўғри, эронликлар ўйиннинг 4-дақиқасидаёқ ҳисобни очишга муваффақ бўлгандилар. Шундан сўнг, қисқа вақт ичида ташаббусни ўз қўлларига олган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси танаффусга қадар мезбонлар дарвозасига жавобсиз учта тўп йўллашди — 1:3. Голларни вакилларимиздан Достонбек Ҳамдамов (12-дақиқа), Иззатилла Абдуллаев (35), Отабек Шукуров (42)лар киритишди. Ўйин тугашига саноқли дақиқалар қолганида эронликлар ўртадаги фарқни қисқартиришди — 2:3.

Энди ҳамюртларимиз 6 октябрь куни бўладиган финал баҳсида Япония терма жамоасига қарши майдонга тушадилар. Кеча японияликлар ярим финалнинг иккинчи ўйинида ироқликларни йирик ҳисобда доғда қолдирди — 5:1. Бу ўсмирларимиз учун Осиё чемпионатидаги қаторасига иккинчи финал бўлади. Бундан икки йил муқаддам айнан Тошкентда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги қитъа чемпионатида ёш футболчиларимиз шундай муваффақиятга эришган ва унда КХДР вакилларига имкониятни бой беришганди. Ишонамизки, бу гал Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ўзларининг ғалабали юришини яна давом эттириб, барчамизни хушнуд этади.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

# «БУНЁДКОР» — ЯРИМ ФИНАЛДА!

**Учрашувнинг 3-дақиқасида кутилмаганда меҳмонлар ҳисобни очишди. Орадан ўн етти дақиқа ўтгач, Лутфулла Тўраев ўртадаги мувозанатни тиклади — 1:1. Ҳамюртларимизнинг ярим финалга йўлланма олишлари учун шу ҳисоб ҳам етарли бўларди. Аммо «яшил қитъа» вакиллари сафарда тўп суришларига қарамасдан ҳужумкор ўйин намойиш этишди. Танаффусдан сўнг, 64-дақиқада «Аделаида Юнайтед» футболчилари иккинчи маротаба ҳисобда олдинга чиқиб олдилар — 1:2. Миржалол Қосимов шогирдлари ғалабага бўлган юксак ирода намойиш этиб, ҳужумкорликни сусайтиришмади. Бу 72-дақиқада ўз самарасини берди. Бунёдкорчилар вакили Акмал Шораҳмедов ўз жамоаси жонига оро кирди — 2:2. Ўйиннинг асосий вақтида ана шу ҳисоб сақланиб қолди.**

**Натижада учрашув бош ҳаками ғолибни аниқлаш учун жамоаларни яна 15 дақиқадан иккита қўшимча бўлимга таклиф этди. Ҳар икки жамоа фақат ғалаба учун кураш олиб борди. Ўйин тугашига беш дақиқа қолганида тошкентликларнинг ёш ва умидли ўйинчиси Алибобо Раҳматуллаев учинчи голни рақиб дарвозасига йўллади — 3:2. «Бунёдкор» — Осиё чемпионлар лигаси ярим финалида!**

**Энди қуръага кўра, «Бунёдкор» финал йўлланмаси учун «Ал-Ҳилол» (Саудия Арабистони) — «Ульсан Хьюндай» (Жанубий Корея) жамоалари жуфтлиги ғолибига қарши майдонга чиқади. Ярим финалнинг дастлабки учрашуви 24 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтади. Иккинчи финалчи номи эса Саудия Арабистонининг «Ал-Аҳли» — «Ал-Иттиҳод» жамоалари ўртасидаги учрашувдан сўнг маълум бўлади.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

**(Ўз мухбиримиз).**

## ОБ-ҲАВО 04-05 – 10. 2012

*Юртимиз бўйлаб (°C)*

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | +10 / +15 | +22 / +27 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | +10 / +15 | +26 / +31 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | +10 / +15 | +26 / +31 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | +11 / +16 | +27 / +32 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | +10 / +15 | +25 / +30 |
| Тошкент шаҳри | +13 / +15 | +27 / +29 |

*Дунё бўйлаб (°C)*

| | |
|---|---|
| Лондон | +9 / +12 |
| Париж | +12 / +11 |
| Москва | +7 / +6 |
| Мадрид | +15 / +13 |
| Пекин | +18 / +16 |
| Канберра | -2 / -4 |
| Рим | +15 / +16 |
| Афина | +15 / +16 |
| Токио | +25 / +24 |
| Стокгольм | +10 / +11 |
| Кейптаун | +9 / +9 |
| Қоҳира | +20 / +19 |
| Гавана | +23 / +23 |
| Вашингтон | +19 / +18 |

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эшонгузар ҚФЙ, У.Юсупов 1-проезд, 1-уйда жойлашган «ILLUSION VALLEV» МЧЖ тугатилади.

Сурхондарё вилоят Тожик миллий маданият маркази жамоаси марказ раиси Аскар Ғойбовга падари бузруквори **Ражаббобо ҒОЙБОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Реклама

NBU
Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки


миллий валютада қуйидаги янги муддатли омонатлар амалга киритилганлигини маълум қилади.

«МУРАББИЙ»
✧ сақлаш муддати — 3 ой;
✧ бадалнинг энг кам миқдори — 1 000 000 сўм;
✧ омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
✧ фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг тўланади;
✧ омонат ёши 30 ва ундан юқори бўлган шахсларга очилади;
✧ омонатга маблағлар 2012 йилнинг 15 октябрига қадар қабул қилинади.

«КАФОЛАТ»
✧ сақлаш муддати — 3 ой;
✧ омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
✧ омонат бўйича фоизлар ҳисоб очилган кунда ёки сақлаш муддати тугаганидан сўнг, автотранспорт, мол-мулк ва бошқалар учун суғурта тўловларига тўлаш учун ўтказиб берилади (тақдим этилган суғурта шартномаси асосида);
✧ омонатга маблағлар 2013 йилнинг 31 мартига қадар қабул қилинади.

ТАЛАБАЛАР УЧУН «ТАЛАБА»
✧ сақлаш муддати — 9 ой;
✧ омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
✧ омонат бўйича ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки сақлаш муддати тугаганидан сўнг, олий ўқув юртларида таълим олиш тўлови учун ўтказилади;
✧ омонатга маблағлар 2013 йилнинг 31 мартига қадар қабул қилинади.

ПЕНСИОНЕРЛАР УЧУН «ПЕНСИЯ»
✧ сақлаш муддати — 6 ёки 12 ой;
✧ омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.
✧ омонат пенсионерлик гувоҳномаси тақдим этилганида қабул қилинади.
✧ фоизлар ҳар ойда капиталлаштирилмаган ҳолда ёки сақлаш муддати тугаганидан сўнг тўланади;
✧ омонатга маблағлар 2012 йилнинг 31 декабрига қадар қабул қилинади.

Шунингдек миллий валютада жамғарма омонати амалга киритилганлигини маълум қилади:

«КЎПАЙСИН»
✧ сақлаш муддати — 1 йил;
✧ дастлабки бадалнинг энг кам миқдори — 1 000 000 сўм.
✧ омонат бўйича бир миллион сўм миқдоридан пасаймайдиган қолдиқ сақланган шартларда кирим ва чиқим амалиётлари амалга оширилиши кўзда тутилган;
✧ фоизлар сақлаш муддати тугаганидан сўнг тўланади;
✧ омонатга маблағлар 2012 йилнинг 31 декабригача қабул қилинади.

ЖАМҒАРМАЛАРИ БОШҚАРИЛИШИНИ БИЗГА ИШОНИБ ТОПШИРГАНЛАР ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ЎЗИМИЗНИ МАСЪУЛ ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ!
Қўшимча маълумотларни 234-14-14, 235-42-83 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.

www.nbu.com Хизматлар лицензияланган

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1046
10097 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.25
Topshirilgan vaqti — 00.10

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5